СССР Давлат китоб палатаси

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 30 август, шанба • № 69 (10.947) • Эркин нархда сотилади

1 СЕНТЯБРЬ

ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИ МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўққизинчи сессияси тўғрисида

АХБОРОТ

29 август куни Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси ўз ишини бошлади.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатия корпуси вакиллари, республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари ҳозир бўлишган.

Сессияни Олий Мажлис раиси Э. Халилов бошқарди.

Сессия иши бошланишидан олдин депутатлар Олий Мажлис депутати Ч. Абдиров хотираси учун бир дақиқа сукут сақладилар.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — котибиятни тузди, кун тартибини тасдиқлади.

Депутатлар мандат комиссиясининг раиси Ш. Мирзиёевнинг маърузасини тинглаб, 27 июль куни янги сайланган Олий Мажлис депутатлари Т. Даминов, С. Хусенов, Х. Дўстмуҳамедов, Н. Аминов, Н. Мўминов, Р. Жумаев, А. Саидов ва Б. Юсуповнинг ваколатларини тўғри деб топдилар.

Депутатлар кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга киришдилар.

Сессия иштирокчилари ва хорижий меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва таълим тизимида бўладиган ислоҳот тўғрисидаги нутқини зўр эътибор билан тингладилар. Сўзга чиққан Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Т. Жўраев, Учқўрғон туманидаги 20-мактаб директори Ҳ. Курбоналиев, Тошкент Давлат университети ректори вазифасини бажарувчи, «Халқ бирлиги» ҳаракатининг раиси Т. Долимов, Самарқанд шаҳар Темирйўл тумани халқ таълими бўлими мудири З. Ҳасанова, 1-Тошкент тиббиёт институти ректори, «Адолат» социал-демократик партиясининг биринчи котиби Т. Даминов, Риштон туманидаги 51-мактаб директори И. Раҳмонов, Косонсой тумани ҳокими Т. Маризаева, «Камолот» жамғармаси Қашқадарё бўлими раиси Б. Юсупов, Боғот тумани ҳокими Ш. Хўжаниёзова, Ўзбекистон Халқ-демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби А. Жалолов, Хўжайли тумани ҳокими С. Нурхўжаев, Сариосиё тумани ҳокими Қ. Холдоров, парламентнинг фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари П. Қодиров Президент ўртага қўйган таълим тизимини ва кадрлар тайёрлашни ислоҳ қилиш ғояси катта сиёсий, иқтисодий ва илмий аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистоннинг бутун халқ хўжалигини янада юксалтириш, республиканинг интеллектуал салоҳиятини ўстириш, мамлакат қудратини ошириш, унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш тўғрисидаги ғамхўрлик натижаси эканини мамнуният билан қайд этдилар. Нотиқлар бу ҳужжатларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган ҳолда, уларни такомиллаштиришга оид бир қанча таклифларни киритдилар. Парламент кадрлар тайёрлаш миллий дастурини тасдиқлади, таълим тўғрисидаги Қонунни қабул қилди ва Вазирлар Маҳкамасига уларни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этишни топширди.

Сессиянинг биринчи иш куни кечки мажлиси конституциявий суд раиси, фуқаролар ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш масалалари бўйича комиссиянинг ишчи гуруҳи раҳбари Б. Эшоновнинг жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш миллий дастури лойиҳаси тўғрисидаги маърузаси билан бошланди. Самарқанд вилояти ҳокими А. Мардиев, Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими тил ва адабиёт институти директори М. Ҳамидов, «Миллий тикланиш» газетасининг бош муҳаррири, «Миллий тикланиш» демократик партияси раиси И. Ғафуров сўзга чиққанидан сўнг дастур тасдиқланди.

Сўнгра депутатлар миллий хавфсизлик концепциясини кўриб чиқишга киришдилар. Олий Мажлиснинг мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг раиси Б. Наимовнинг маърузаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти директори М. Раҳмонқулов, Нукус тумани ҳокими У. Хўжаназаров, Олий Мажлис ҳузуридаги амалдаги қонунлар мониторинги институти директори А. Турсунов сўзга чиққандан сўнг бу ҳужжат ҳам тасдиқланди.

Олий Мажлис иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси А. Йўлдошев сессия иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси божхона кодекси ва бож тарифлари тўғрисидаги қонун лойиҳалари ҳақида ахборот берди. Бу икки ҳужжат лойиҳаларини муҳокама қилишда Бухородаги «Пахтасаноатсотиш» акционерлик жамияти бошқаруви раиси М. Умаров, Шеробод тумани қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш ва таъмирлаш бирлашмасининг бошлиғи Х. Пайғамов, Ўртачирчиқ туманидаги темир-бетон буюмлар заводи директори В. Халилов, Андижон шаҳри ҳокими А. Собиров, «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик компанияси поездлар ҳаракати хавфсизлиги бўйича бош тафтишчиси С. Турдиқулов, Нарпай тумани, Бобур номидаги агрофирма раиси С. Ҳабибов иштирок этди. Парламент божхона кодексини тасдиқлади ва бож таърифи тўғрисидаги Қонунни қабул қилди.

Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси котиби Т. Файзуллаев давлат божхона хизмати тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Маъруза юзасидан Учкўприк тумани ҳокими А. Йўлбарсов, «Шерободсувхўжаликқурилиш» трестининг бошқарувчиси М. Бойкелдиев, Қизилтепа тумани ҳокими Т. Фатуллаев сўзга чиқди. Бу Қонун ҳам қабул қилинди.

Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси А. Аҳадов давлат солиқ хизмати тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Паркент тумани ҳокими Т. Холтоев, Уйчи туманидаги «Ипакчи» акционерлик жамиятининг раиси Т. Сатторов сўзга чиққанидан сўнг Қонун қабул қилинди.

Шу билан Олий Мажлиснинг кечки мажлиси ёпиқ деб эълон қилинди. Олий Мажлиснинг тўқизинчи сессияси эртага ўз ишини давом эттиради.

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ IX СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам халқ ноиблари!
Азиз дўстлар!

Олий Мажлиснинг бугунги сессиясида кўриб, муҳокама қилинаётган, ҳаётимизни ҳал этувчи муҳим масалалар қаторида таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни янги замон талаби даражасига кўтариш, баркамол авлодимиз келажагига дахлдор қонун лойиҳалари ҳам бор.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги кун тартибига қўйилган мана шу масалалар бўйича ўзимнинг баъзи фикрларим, мулоҳазаларимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Ҳурматли дўстлар!
Азиз ватандошлар!

Барчангиз яхши биласизки, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир.

Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазлу камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади, ўзини аямайди.

Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади.

Ўзбек оиласи мустабидлик замонида ҳам ўзининг тарихан шаклланган қиёфасини йўқотмади. Улуғ адибимиз Абдулла Қодирий қаҳрамонларидан бирининг: **«Бу хонадондан ҳеч ким норизо бўлиб кетган эмас»**, дея айтган гапларида элимизга хос катта ҳаётий фалсафа мужассам.

Бу йўқ жойдан пайдо бўлган гап эмас. Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари, ўзларининг охиратини обод этувчи қарзлари бор. Дину диёнатли хонадон оқсоқолларидан сўрасангиз, уларни лўнда қилиб санаб беради: яхши ном қўйиш, **яхши муаллим қўлига топшириб, саводини чиқариш, илмли, касбли-хунарли қилиш, бошини икки, уйлижойли қилиш.**

Бугун ана шундай олижаноб анъаналар қайтадан мустаҳкам қарор топиши ва ривожланиши учун истиқлол шарофати туфайли энг қулай муҳит яратилди. Бу, шубҳасиз, биз, ота-оналар ва мустақил, буюк келажакка интилаётган давлатимиз зиммасига жуда катта вазифалар ва масъулият юклайди.

Мана шунинг учун ҳам бугунги кунда биз бу масалага жиддий эътибор бермоқдамиз. Шунинг учун ҳам бу мақсадга қаратилган лойиҳалар жамоатчилигимиз диққат-эътибори марказига ўтмоқда, тарбия соҳаси ислоҳоти бугунги энг долзарб, эртанги тақдиримизни ҳал қилувчи муаммога айланмоқда.

Лўнда қилиб айтганда, бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири — буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз.

Шу билан бирга, ҳаммамиз яна бир ҳақиқатни англаб етмоқдамиз. Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин.

Сир эмаски, **ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат** нафақат ерости ва ерусти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки, **биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир.**

Бундай бойликнинг аҳамиятини англаш учун чор Россиянинг Туркистон ўлкасидаги генерал-губернатори М. Скобелев:

«Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди», деб айтган гапини эслашнинг ўзи кифоя қилади.

Бундай ёвуз қарашларга қўшимча изоҳ беришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Лекин улардан керакли хулоса-сабоқ чиқариш учун бугун ҳам кеч эмас.

Шу боис мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданоқ, буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадига катта аҳамият бериб келинмоқда.

Бу жараёнда охирги йилларда қилган ишларимиз ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Мактаб соҳасида «Таълим ҳақида» қонун қабул қилдик. 1996-1997 ўқув йилидан бошлаб мактабларнинг биринчи синфларида ўқиш янги алифбода олиб борилди. Янги имло, алифбода ўқитиш учун зарур дастур, қўлланма ва дарсликлар яратилди.

Шу давр мобайнида 300 га яқин янги турдаги таълим муассасалари очилди. Олий ўқув юртлари қошида 46 та лицей ташкил этилди, 800 га яқин ўқувчи чет элларда таълим олди, кўпгина ўқитувчилар хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш мақсадида чет мамлакатларга бориб қайтди.

Жойларда мактабларга ва ўқитувчи мураббийларга, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ёрдам бериш масалаларига эътибор анча кучайтирилди.

Ўрта махсус таълим соҳасида вилоятларда, жойларда бизнес мактаби, кичик ва ўрта мактаб учун касб-хунар курсларининг очилиши, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда янги мутахассислик (фермер, солиқ ва божхона ходими, аудит ва ҳоказо)ларнинг киритилиши эътиборга лойиқдир.

Тошкент, Самарқанд, Урганч, Тўрткўл ва Андижонда банк коллежлари ҳамда Тошкент аёллар коллежи ташкил қилиниши ҳам шулар жумласидандир.

Олий мактаб соҳасида тест усули жорий этилишини вилоятлар марказларида педагогика институтларининг университетларга айлантирилиши ва жойлардаги ўқув юртларига юқори таъсис низоми берилиши, ташкил этилган миллий ташкилот ва халқаро жамоалар ҳисобидан чет элларга тажриба алмашиш ва талабаларни ўқишга юбориш йўлга қўйилиши, иқтисод ва бизнес соҳасидаги мутахассис ва ўқитувчиларни қайта тайёрлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилиши, ўтиш даврида 2 мингдан ортиқ талаба ва мутахассиснинг чет элларда ўқиб келиши, 200 дан ортиқ чет эл мутахассисининг республикамиз ўқув муассасаларига жалб қилинишини қайд этишимиз зарур, деб ҳисоблайман.

Давлат ва Ижтимоий қурилиш академияси, Банк ва Молия академияларини ташкил қилганимиз ҳозирданоқ ўз самарасини бераётганини катта мамнуният билан таъкидлашимиз лозим.

(Давоми 2, 3-бетларда).



ИСТИҚЛОЛ

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоираси.

Истиқлол!
Кулгулари — гул қизмидинг,
Йиғлагани — дур қизмидинг,
Юз эллик йил дил қутида
Мудраб ётган юлдузмидинг...

Мен изладим сени «Зум-зум» шаҳардан,
Отам нола қилган ҳар бир саҳардан,
Дунёга келганим ойдин баҳордан —
Сенга етай дедим, олис йўл юрдим,
Қўлим — боғлиқ, дилим — доғлиқ,
гўл юрдим!

Тўкилдим-а турналарнинг патидай,
Ўқилдим-о миноралар хатидай,
Ниҳон бўлдим битикларнинг қатида,
Сенга етай дедим, кўкда дўл юрдим,
Руҳим банди, ёқаларим ҳўл — юрдим!

Гоҳо кўнгил мулкатимга нур тилаб,
Хожа Султон Боязиддай пир тилаб,
Қасри руҳим меҳварига сир тилаб,
Сенга етай дедим, сабри фил юрдим,
Туёқлари михланган дулдул юрдим.

Шаҳрибарбар ўтдим — гирён дилим бор,
Ҳар ғиштида тарих — шоён илм бор,
Зулфиқорнинг тигида йилдирим бор,
Сенга етай дедим, оҳ, бетил юрдим,
Фиғонидан сайраган булбул юрдим.

Субҳидамда саболари аласли,
Ҳар қадамда минг авлиё нафасли,
«Дил ба ёру даст бакор» деб хур насли,
Сенга етай дедим, гумроҳ эл юрдим,
Ўз мулкимда шоҳ бўлмадим, қул юрдим.

Мен оҳ дедим, қудуқларда ўсди най,
Ҳақ йўлимни девлар тўсди пайдар-пай,
Ё, бор Худо, Эрк шамоли эсди, ҳай,
Сенга етай дедим, ошиқ дил юрдим,
Олов хирмонларин кечган ел юрдим!

Озодликнинг дийдорига интизор,
Кўкка ўрлаб, ерни қамраб зор-зор,
Ҳурлик дедим, дунёсини билиб ор,
Шул орзуда собиту масъул юрдим,
Оёқ — олти, қўлим — етти, йўл юрдим.

Кийганларим кундал, кимхоб, қалами, —
Ҳур аталдим — ортиқ бойлик бўлами?
Мени бийрон қилди юртим байрами:
Кенжа қиздай «Борса-келар» йўл юрдим,
Истиқлолнинг жаннатидан гул тердим.

Шул орзуда собиту масъул юрдим!

МУСТАҚИЛЛИК ОДИМЛАРИ

ОЛТИ йил тарих олдида томчи билан баробар. Лекин, ана шу йиллар мустақил мамлакатимиз учун асрга татигулик давр бўлди. Ислоҳотлар йўли бўй-басти билан ўзининг самараларини кўрсатмоқда. Буни биргина Тошкент вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Биз қуйида келтираётган рақамлар ва натижалар мустақиллик йўлининг бир вилоят мисолидаги айрим самаралари, халос.

● ЕТАКЧИ тармоқ — саноатда ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Ўтган даврда вилоятдаги қатор йирик корхоналар — Олмалиқ конметаллургия комбинати, «Электркимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон металлургия комбинати сингари корхоналарда кенг кўламда туб таъмирлаш ва қайта қуриш ишлари амалга оширилди. Маҳаллий хом ашё ҳисобига ишловчи корхоналар кескин кўпайди. Биргина 1997 йилнинг етти ойида 44546,8 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1782,1 миллион сўмлик кўпдир. Бу маҳсулотларнинг салкам 50 фоизи хусусийлашган корхоналарда тайёрланди.

Ўтган даврда металлургия, ёқилғи-энергетика, кимё ва машинасозлик саноатида, айниқса, юқори натижаларга эришилди. Корхоналаримизда экспорт ҳажми сезиларли кўпайди. Ўзбекистон металлургия комбинатида энг ноёб тоғ-кон саноати учун зарур бўлган пўлат шарлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Олти ойда режадагидан 4,3 минг тонна кўп ана шундай маҳсулот ишлаб чиқарилди. Кўмир қазиб олиш етти ойда салкам 110 минг тоннага кўпайди.

● МУСТАҚИЛЛИК йиллари ичида туман ва хўжаликларда 2500 дан ортиқ деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил этилди. Юздан ортиқ хўжалик мулкчиликнинг хусусий ва ижара усулларига ўтди. Бу дегани — ер, чорва, боғ ва сабзавот майдонлари, ғаллазорлар ўз эгасини топди, демакдир. Бугунги кунда вилоятда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 85 фоизидан ортиғини ана шу хусусий тармоқ эгалари етказиб бермоқдалар.

Ислоҳотлар туфайли пахтачилик, ғаллачиликда янги иш усуллари дадил жорий этилмоқда. Бу йил давлат омборларига 220 минг тоннадан ортиқ ғалла етказиб берилди. Пахтакорлар 280 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун курашмоқдалар.

Қишлоқ хўжалигида юз берган ўзгаришларнинг энг муҳими қишлоққа саноатнинг кириб келиши, қайта ишлаш тармоғининг жадал ривожланиб бораётганлигидир. Бугунги кунда вилоят қишлоқларида, хўжаликларида 300 дан ортиқ маҳсулотларни қайта ишловчи корхона, цех, линиялар ишлаб турипти.

● ИСТИҚЛОЛ йиллари ичида мамлакатимизда бўлганидек вилоятимизда ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шаҳар ва туман марказларида, қишлоқларда минглаб квадрат метр янги уй-жойлар, равон кўчалар, маданий-маиший хизмат объектлари, бозорлар ва шохавтобекатлар қурилди.

Вилоят аҳолисини, айниқса, қишлоқ меҳнаткашларини тоза ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашда туб бурилишлар юз берди. Биргина 1997 йилда 246 километр узунликдаги газ қувурлари, 36 километр ичимлик сув тармоғи тортилди. 199,4 минг квадрат метр уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Мустақиллик байрами арафасида қишлоқ жойларида ўнлан ортиқ янги гузарлар, 8 та мактаб, 300 дан ортиқ савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари аҳолига хизмат қила бошлади.

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Маҳалла», «Камолот», «Соғлом авлод учун», «Нуроний», «Улуғбек», «Умид» жамғармаларининг таълим-тарбия соҳасидаги эзгу ишларини, ўсиб келаётган авлодни жисмонан соғлом ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашга қўшаётган ҳиссалари ҳақида алоҳида айтиб ўтмоқчиман. Бу борада амалга оширилаётган ижобий тадбирларимиз кам эмас.

Аммо, холисона баҳо берганда, шуни тан олишимиз керакки, ўтган давр мобайнида амалга оширилган тадбирларимиз бугун ҳаёт талаб қилаётган натижаларни бераётгани йўқ. **Аввало шуни таъкидлашимиз керакки,** биз эски, шўролар замонидан қолган таълим-тарбия тизимига хос мафкуравий қарашлардан ва сарқитлардан ҳали-бери тўлиқ қутулганимиз йўқ,

иккинчидан, барча амалдаги ўзгаришлар ва тадбирлар, асосан юзаки бўлиб, таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини, босқичларини бир-бири билан узвий боғлаш, яъни узлуксиз таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш муаммоларини ечиб берган эмас,

учинчидан, бизнинг амалдаги таълим-тарбия тизимимиз бугунги замонавий, тараққий топган демократик давлатлар талабларига жавоб бера олмаслиги кўп жойларда яққол кўринмоқда.

Бугунги кунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва билим бериш тизими, ҳаётимизда, жамиятимизда бўлаётган ислоҳот, янгиланиш жараёнлари талаблари билан яқиндан боғланмаганлиги ҳар томонлама сезилмоқда.

Рухсатингиз билан, азиз дўстлар, ана шу масалаларга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Очиқ тан олиш керак: мактабларнинг моддий базаси жуда ночор. Бу масалада нақадар оқсоқлигимизни, ночорлигимизни, биринчи навбатда, қишлоқ жойлардаги аҳвол-вазият мисолида очиқ тан олишимиз керак.

Иккинчи масала, аввал айтганимдек, тарбиячи, яъни ўқитувчига бориб тақаляпти.

Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз.

Менинг фикримча, таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам мана шу ерда. Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак.

Шу билан бирга, ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳаётий талабларини қондириш, уларни рағбатлантириш, уларнинг ўз иши, касбидан мамнун бўлишини таъминлашимиз лозим.

Албатта, бу масалани бирданига ечиш қийин, лекин уни ечмасдан туриб, келажак авлод тарбияси тўғрисида гапиришнинг ўзи мутлақо номақбулдир.

Учинчи масала ўқув жараёнига тегишли. Биз совет даврининг охиррогида 11 йиллик ўқув тизимига ўтдик.

11 йиллик тизим таркибан 3 қисмга бўлинади: бошланғич таълим — 4 йил, тўлиқсиз ўрта таълим — 9 йил ва 2 йиллик тўлиқ ўрта таълим. Лекин ҳеч ким шу кунгача бошланғич синфларда ва ундан кейинги босқичларда ўқиётган болаларга қайси синфда нимани ўқитиш мақсадга мувофиқлигини илмий нуқтаи назардан асослаб берган эмас. Нима учун 10 йиллик умумтаълим ўқув жараёнини 11 йилликка ўтказганимизни ҳам кўпчилик ҳозиргача тушунгани йўқ.

Эски таълим тизимининг энг ёмон қусури бошланғич таълимга иккинчи даражали иш деб қараётганимиздадир. Очиқ айтишимиз керак: билими саёз муаллимлар ҳам биринчи синфда дарс бераверади.

Бошланғич таълимга паст назар билан қаралишининг исботи шуки, собиқ СССРда бутун бошли педагогика техникумлари ва билим юртлари тизими ташкил этилиб, улар асосан 1-4 синф ўқувчиларини ўқитадиган муаллимлар тайёрлар эди.

Ваҳоланки, боланинг дунёқараши, диди, салоҳияти шакллланадиган бошланғич синфларга энг етук, энг тажрибали мураббийлар биркитиб қўйилишини оддий мантиқнинг ўзи талаб этади.

Замонавий бошланғич таълимнинг ўзи нимадан иборат бўлиши керак. Бола 1-4-синфларда қандай билимга эга бўлиши лозим. Уларнинг тарбияси қандай бўлиши керак. Шу масалаларга жавоб топишимиз зарур.

Яна бир муҳим савол.

Норасида боланинг мияси, онги нимани ўзига сингдира олади, нимани қабул қилмайди. Ким бу масалани илмий жиҳатдан тадқиқ қилган?

Болаларимизга қачондан бошлаб, қандай қилиб, қандай усулда ва услубда миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни ўргатишимиз, чуқур англатишимиз керак?

Афсуски, бу ҳақда ҳеч ким бош қотираётгани йўқ. Шу масалалар билан шуғулланиши керак бўлган мутасадди институт ва марказларимиз етарли. Хулоса шундайки, бугунги умумтаълим жараёнидаги уч босқичдан ҳеч қайсисида ўзига яраша талаб йўқ. Бошқача айтганда, ҳар қандай ўқув босқичига аниқ талаблар, стандарт даражасида расмийлаштирилгани йўқ.

Шунга қараб, ўқув жараёни, мазмуни, ўқитиладиган дарсликлар сонини, қанақа синфда қандай билим ва тарбия бериш кераклигини аниқлаш мумкин бўлади.

Мисол учун умумтаълим мактабларида ўқитилаётган фанларнинг сони 20 га етади. Лекин, афсуски, ўқув режаларида ёшларга ахлоқ ва одоб, иҳтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий билимлар асосларини ўргатадиган фанлар етарли ўрин олган эмас. Мавжуд фанлар эса таркибан эски ҳолида сақланиб қолмоқда. Бу эса мустақиллик ва бозор иқтисодиёти шароитида юзага чиққан давлат ва миллий эҳтиёжларни қондиришга тўсқинлик қилмоқда.

Ҳаммамизга аёнки, таълим дарсликдан бошланади. Аччиқ бўлса ҳам тан олишга мажбурмиз: деярли барча соҳада дарсликларимиз ахволи бугунги ва эртанги кун талаблари даражасида эмас.

Бир нарсанинг аҳамиятига етиб боришимиз зарур, азиз дўстлар, ватандошларим.

Эски қолипда, мустабид даврда ёзилган дарсликлардан фойдаланиб, эски мафкурадан холос бўлмасдан болаларимизни янгича фикрлашга ўргатолмаймиз, ахир. Буни барчамиз тушунишимиз, англашимиз даркор.

Олимлар орасида дарслик ёзишга пастроқ бир илмий иш сифатида қараш иллати бор. Нега бундай, бу психология қаердан пайдо бўлган ахир? **Дарсликларда миллат фикрининг, миллат тафаккури ва миллат мафкурасининг энг илғор намуналари акс этиши керак эмасми?** Ҳар бир соҳа бўйича дарсликни ўша фаннинг атоқли вакиллари ёзмайдиларми?

Биз дарслик яратишга энг илғор ва энг шарафли вазифа сифатида қарашимиз, яхши дарслик яратган одамларни бошимизга кўтаришимиз керак. Дарсликни, агар керак бўлса, катта танлов асосида яратиш лозим. Танлов ғолибларидан маблағни аямаслигимиз лозим.

Яна бир муҳим масала.

Ҳозирги пайтда хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишга юртимизда катта аҳамият берилмоқда. Бу ҳам, албатта, бежиз эмас. Бугун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун, чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда ўз буюк келажагини қураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукаммал билишнинг аҳамиятини баҳолаш ҳожати йўқдир.

Аммо шунга алоҳида урғу беришимиз зарурки, чет тилларни ўрганиш, минбаъд она тилини эсдан чиқариш ҳисобига бўлмаслиги лозим.

Ўз фикрини мутлақо мустақил, она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, авваламбор, раҳбар курсисида ўтирганларни бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин.

Кечаги тарихимизда бизнинг ғарб тилларини ўрганишимизда она тилимиз эмас, асосан, рус тили воситачи бўлиб келди. Шунинг ҳисобига ҳозиргача, мисол учун, инглизча-ўзбекча ва ўзбекча-инглизча луғатлар деярли йўқ.

Бунинг натижасида ўзбек мактабларини битирган болаларимиз қисилиб қолиб, чет тилларни ўрганишда жуда кўп тўсиқларга учраяпти.

Бундай заиф, ноўрин ҳолатларни тезда ўзгартириш, ўзбек боласига чет тилларнинг ажиб дунёсига бемалол кириши учун имкониятларни тўлиқ очиб беришимиз даркор.

Мамлакатимизда хорижий тилларни ўрганишнинг миллий асосдаги жадаллаштирилган методикасини тайёрлашни тезлаштиришимиз керак.

Муҳтарам ватандошлар!

Бир эътибор беринг: педагогика тажрибасида «**битирувчи**» деган ибора бор. Бу иборага изоҳ бериб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Яъники, бола мактабни битирса бас, унинг билим ва тарбияси ҳақида гапирмаса ҳам бўлаверади.

Таълим-тарбия ислоҳоти ҳақида гапирар эканмиз, унинг мазмунини лўнда қилиб ифода этиш мумкин: **бизга битирувчилар эмас, мактаб таълим ва тарбиясини кўрган шахслар керак.**

Шу жойда яна бир оғир саволга дуч келамиз: болалар қайси синфдан бошлаб мустақил фикр юрита бошлайди, умуман, мактабларда болалар мустақил фикр юритишга ўргатиладими, аминманки, ўргатилмайди. Мабодо, бирор ўқувчи ўқитувчига эътироз билдирса, эртага у ҳеч ким ҳавас қилмайдиган аҳволга тушиб қолади. Мактаблардаги жараёнда ўқитувчи ҳукмрон. У боладан фақат ўзи тушунтираётган нарсани тушуниб олишни талаб қилади. Принцип ҳам тайёр: «**Менинг айтганим-айтган, деганим-деган**».

Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатидаги мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллаши жуда қийин кечаяпти. Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин, афсуски, амалда тажрибамизда унга риоя қилмаймиз.

Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир.

Умумтаълим мактабларининг оқсоқ томонлари ҳақида гапирар эканмиз, бир муҳим муаммони таъкидламасдан ўтолмаймиз.

Бу муаммо — бугун 9-синфни битираётган болаларимиз тақдири. Республикамизда тахминан 5 миллион 200 минг мактаб ўқувчисидан 9-синфни битираётганлар 450 минг нафар болани ташкил қилади.

Хўш, ўзимизча бир тасаввур қилиб кўрайлик. 9-синфни тугатаётганларнинг кейинги йўли — тақдири қандай бўлиб қолмоқда.

Маълумотларга қараганда, уларнинг 250 минг нафарга яқини, яъни 55-фоизи 10-синфда ўқишни давом эттирар экан, тахминан 100 минг нафари ҳунар-техника ёки махсус ўқув юртларига кириши мумкин. Қолганлари эса, гап — 100 минг нафар болаларимиз ҳақида кетяпти — ҳисоб-китоб бўйича, умуман кўчада қолмоқда. Бу маълумот ҳам тўлиқ эмас. 11-синфни битираётганлардан 20-25 минг нафари, яъни ҳаммаси бўлиб, 10 фоизи олий ўқув юртларига ўқишга кириши мумкин.

Қолган 90 фоизи эса на бир аниқ ихтисос, на бир эртанги ҳаётга керак бўладиган малака ва на бир касб-ҳунарни эгаллай олмаяпти. **Ва шунинг оқибатида 16-18 яшар йигит-қизларимиз ўз қобилияти, ҳаваси, интилишига мос, ҳаётда ўзига муносиб ўрин тополмаяпти.**

Кимки бу рақамларни, бу ачинарли ҳолатни чуқур таҳлил қилса, юрагидан ўтказиб, ўзининг шахсий дардидай англаса, албатта, бундай вазиятга бепарво бўлиб қолишига ишонмайман. Шунинг учун ҳам бугунги замон талаби, эртанги келажагимизнинг ташвишлари биздан халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Азиз дўстлар!

Энди ўқув тизимининг навбатдаги босқичига — вилоятлар ва туманларда жойлашган ҳунар-техника билим юртларига бир назар ташласак. Бугунги кунда уларда 280 мингга яқин ўғил-қизларимиз таълим олмоқда. Уларнинг фаолиятига танқидий кўз билан қараганда, моддий-техника базасининг ночорлиги, улар бераётган билим ва тарбиянинг сифати, ўқувчилар олаётган жуда тор ихтисос-мутахассислиги, шу билан бирга, тарбиячи-ўқитувчилар малакасининг пастлиги бу билим юртларининг умуман бугунги кун талабига жавоб бермаслиги барчамиз учун аниқ бўлиши керак, деб ўйлайман.

Ўзбекистонда бугунги кунда 22 вазирликка қарашли 268 та ўрта махсус билим юрти, техникум мавжуд ва уларда 170 мингга яқин болаларимиз ўқимоқда.

Бундай ўқув муассасалари ишини ҳам, авваламбор, уларнинг самарасини бозор иқтисодиёти ва замон талаби нуқтаи назаридан қараб чиқишимиз лозим.

Қисқа қилиб айтганда, ҳаётимизнинг ўзи уларнинг ўрнига замон талаб қилаётган бутунлай янги таркибдаги ва ягона услубдаги замонавий ўрта махсус касб-ҳунар ва билим ўқув юртларини ташкил қилишни тақозо этмоқда.

Энг муҳими, ўрта поғонада янги ташкил қилинаётган ўқув муассасаларининг олдинги ўқув босқичи — умумтаълим мактаблари ва кейинги поғонада турган олий ўқув юртлари тизими билан узлуксиз алоқа ва муносабатларини таъминлаш ва замон талабига жавоб бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Ҳурматли депутатлар!

Навбатдаги муҳим масала — олий ўқув юртлари ислоҳотидир.

Бугунги олий таълим олиш тизимининг заиф томонларидан бири — олий ўқув юртларида тайёрланаётган талабларни олдиндан аниқланган фан ва техника, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларнинг эҳтиёжига, бир сўз билан айтганда, ҳаёт талабларига қараб ташкил қилмаганимиз, деб биламан.

Ўқув юртларимизни битириб, таълим-тарбия олиб чиқаётган ёшларимизнинг олган мутахассислиги ва тайёргарлиги кўп жиҳатдан замон талабларига, бозор иқтисодиёти эҳтиёжига жавоб бермаслиги кўзга ташланмоқда. Таълим соҳасида халқаро меёрлар ва андозалар асосида давлат стандарларини ишлаб чиқмаганимиз, шунга қараб, ўқув юртларини замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаб, керакли моддий база туғдириб бермаганимиз, авваламбор, ўқув дастурлари эскича қолиб кетаётгани бугун тайёрланаётган мутахассислар сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунинг учун ҳам олий ўқув юртлари ислоҳотини амалга ошираётганда мана шу ҳолатдан чиқаётган баъзи бир нуқсонларга алоҳида эътибор беришимиз зарур.

БИРИНЧИДАН, олий ўқув юртини битираётганлар қандай талабларга жавоб беришини аниқлаб олишимиз керак.

ИККИНЧИДАН, билимга чанқоқ, билим олишни ўзининг олий мақсади қилиб қўйган истеъдодли болаларни топиш, танлаш, қабул қилишда объектив адолатли тизим ва тартиб ўрнатиш, улар етарли маълумот олиши учун барча замонавий имкониятларни яратиб беришимиз керак.

УЧИНЧИДАН, олий ўқув юртларида қандай ва неча хил мутахассислик бўйича таълим берилиши лозимлигини белгилаб олишимиз керак.

Шу жумладан, ҳозир тайёрланаётган 90-100 тага яқин мутахассисликдан қайси бири керагу, қайси бири керак эмаслигини ва янги замон талаб қилаётган янги мутахассисликларни аниқлаб олишимиз лозим.

Зарур мутахассисликлар бўйича давлат буюртмасини белгилаб олишимиз зарур.

Бугунги кунда 21 минг талабани давлат буюртмаси бўйича олий ўқув юртларига қабул қилиш белгиланган. Шу борада жиддий ўйлаб, қайси соҳаларга қанча давлат гранти берилади, қайси олий ўқув юртларида, қайси мутахассисликлар тайёрланади — шуни аниқлаб олиш ва шунга яраша давлат маблағини ажратиш зарур. Шу билан бирга, контракт асосида, яъни ўзининг ҳисобидан билим ва мутахассислик олмоқчи бўлганларнинг ҳам режаларини аниқлаб олишимиз зарур.

ТЎРТИНЧИ МАСАЛА. Замон талабига мос мутахассис тайёрламоқчи эканмиз, биринчи навбатда ўқув юртларимизнинг шакли, қиёфаси ва таркиби, моддий базаси ҳам замонавий бўлиши шарт. Ўқув юртларининг раҳбарлари ва домла-профессорларининг таъминоти ва иш ҳақи ҳам шу жумладан.

БЕШИНЧИ МАСАЛА — ўқув дастур ва программаларни замонавий талабларга мослаштириб, истиқбол ва келажагимизни кўзлаган ҳолда тузиб олишимиз ва жорий этишимиз зарур. Бугун ишлатилаётган ўқув программаларнинг оқсоқ ва заиф томонларини албатта инобатга олишимиз даркор.

Масалан, бугун олий ўқув юртларининг дипломи билан ҳаётга кираётганларнинг ишни ташкил қилиш, маъмурий соҳаларда, маркетинг ва менеджмент, бошқарув, ижтимоий психология ва социология каби фанларда заиф томонлари алоҳида эътибор талаб қилади.

Олий ўқув юртини ислоҳ қилаётганда, уларнинг бошқа давлатлардаги олий ўқув юртлари билан алоқасини мустаҳкамлаш зарур. Ўз домлаларимиз билан чекланиб қолмай, четдан ҳам домлалар чақиришни йўлга қўйишимиз керак.

Юртимиз йигит-қизлари таҳсилнинг охирги йилларини тараққий топган давлатларнинг ўқув марказларига бориб ўқишларини ташкил қилишимиз мақсадга мувофиқ иш бўларди. Бунга ҳеч қандай мафкура аралашмаслиги керак.

Шартномаларга ректорлар жавобгар бўлиши керак. Ректор ташқи иқтисодий масалаларни ўз зиммасига олиши зарур. Қайси давлат, қайси университетлар билан алоқа қилишни илмий кенгашлар ҳал этиши лозим. Чет давлатлардаги ўқув юртлари билан бирлашган илмий кенгашлар тузиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Энг муҳим масалалардан бири шуки, домлаларнинг савияси ва билимини оширишга шарт-шароитлар туғдиришимиз керак. Домлалар, профессорлар, кафедра мудирлари ўз устида ишламаса, ўз соҳаси бўйича чет мамлакатларга илмий сафарларга бориб келмаса, тажриба алмашмаса, албатта, бундай аҳвол ўқув жараёнига ва унинг самарасига салбий таъсир қилади.

Етук савияли домлаларни тайёрлаш бўйича махсус бир фонд ташкил этиш керак. Биз шу фонд орқали домлаларни, Ўзбекистон профессорларини чет мамлакатларга юбориб, малакасини ошириб келишига имконият яратишимиз керак.

Улар чет элларда малакасини оширсин, донги чиққан университетларда ўзлари лекциялар ўқисин, тажриба орттирсин, мана шундан кейин Ўзбекистоннинг обрўйи-номи оламга овоза бўлади, иншоолло.

Ҳурматли халқ ноиблари.

Барчангизга маълумки, шу йил март ойида Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, кадр тайёрлаш жараёнига замон талаб қилаётган туб ўзгартиришларни киритиш мақсадида махсус ҳукумат комиссияси тузилган эди. Тегишли вазирлик ва идоралар, олим ва мутахассислар бу масалалар устида анча иш олиб бордилар. Бунинг натижаси — бугун сиз, депутатлар муҳокамасига қўйилган кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури ва таълим-тарбия бўйича тайёрланган қонуннинг янги таҳриридир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, таълим-тарбия соҳасида ислоҳотлар ўтказиш ва уларнинг асосий йўналишлари, талаблари ва мақсадларини аниқлаш ҳамда тегишли хулосаларни чиқаришда, бугунги муҳокама қилинадиган ҳужжатларда кенг жамоатчилигимизнинг фикр-мулоҳазалари, тавсия ва изоҳлари ифода топган десак, ҳеч қандай мубо-



● ҲАММА соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш туфайли жаҳон тизимига кириб бораётган мамлакатимиз электр алоқа тармоғида ҳақиқий инқилобий ўзгаришлар юз берди, десак муболаға бўлмас. Бунинг оддий кўриниши Тошкент вилояти мисолида яққол намоён бўлмоқда. Сўнгги икки йилда бу тизимга жаҳоннинг илғор тажрибалари кириб келди. Рақамли алоқа станциялари барпо этилди. 1997 йилда вилоятимизнинг Ангрен, Олмалиқ, Янгийўл, Бекобод шаҳарлари, Оққўрғон, Янгийўл, Паркент туманларида 45 минг рақамли ана шундай замонавий станциялар абонентларга хизмат кўрсата бошлади. Умуман, электр алоқа тизимида сўнгги йилда 13,6 миллион АҚШ доллари миқдорида иш бажарилди. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси 10 сонияда жаҳоннинг истаган бурчаги билан боғланиш имкониятига эга бўлди. Кечаги орзу бугун ҳақиқатга айланди. Буларнинг ҳаммаси ислоҳотлар ва тараққиёт йўлининг нақадар тўғри эканлигидан далолат бермоқда.

МУКОФОТ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг олти йиллик байрами арафасида қишлоқ хўжалиги, саноат, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун вилоятимиз шаҳар ва туманларининг қуйидаги ишчи ва хизматчилари Тошкент вилояти ҳокимининг фахрий ёрлиғи билан мукофотландилар.

АНГРЕН ШАҲРИДАН

Турсунов Мажраб Машарипович — тоғ транспорти ускуналарини таъмирлаш корхонаси директори

Жабборова Наталья Михайловна — «Ангрен-нон» акционерлик жамияти установвойи

БЕКОБОД ШАҲРИДАН

Хожимуротрв Умматкул — Бекобод автобус-такси саройи ҳиссадорлик жамияти автобус ҳайдовчиси

Шомирзаев Зокиржон Зоирович — «Бекободцемент» ҳиссадорлик жамияти устаси

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДАН

Алимқулов Фахриддин Турсунович — «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси аппаратчиси

Бекмуротов Донбой — Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис эритиш заводи эритувчиси

ОҲАНГАРОН ШАҲРИДАН

Абдуханов Рафиқ Расихович — Алишер Навоий номли 1-мактаб ўқитувчиси

Абдушукуров Шухрат — «Оҳангарондон» акционерлик жамияти автосаройи бошлиғи

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДАН

Одилбеков Илҳомжон Саидович — Чирчиқдаги Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати 1-цехи бошлиғи

Рутковский Виталий Константинович — «Чирчиққурилиш» ҳиссадорлик жамияти бош муҳандиси

ЯНГИОБОД ШАҲРИДАН

Ахроров Давлат Ҳафизович — «Янгиобод» ҳиссадорлик жамияти директори

Пармонқулов Турғунбой Хожикулович — Янгиобод шаҳар 22-тиббиёт қисми бош шифокори

ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИДАН

Жабко Любовь Александровна — «Биохим» ҳиссадорлик жамияти бош муҳандиси

Нагматова Махбуви Мирзараҳимовна — «Лаззат» қандолат ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси

БЕКОБОД ТУМАНИДАН

Син Геннадий Денгюнович — Мавлонов номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи

Эсонов Нормурод — Улуғбек номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси

БЎКА ТУМАНИДАН

Амиров Омон — Гаффор Азаматов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси

Умирова Холбуви — «Ачамайли» жамоа хўжалиги пиллакори

БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИДАН

Бегметов Ботир Бегмето-

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Боши 1, 2-бетларда).

лаға бўлмас.

Нега деганда, бу муаммонинг ечимини топиш, бу масалада аниқ режаларимизни белгилаб олиш, ҳеч шубҳасиз, бугунги ва эртанги ҳаётимиз ва истиқболимизнинг гарови эканини аксарият халқимиз англаб олмоқда.

Шунинг учун ҳам амалдаги таълим-тарбия тизимининг заиф томонларини, замон талаблари, жамиятимиз келажаги ва мақсадларига жавоб бермайдиган жиҳатларини чуқур тасаввур қилиш, эркин, бадавлат яшаётган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, ўз ўлкамизда юксак малакали, ҳар жиҳатдан етук кадрлар тайёрлаш дастуримизнинг асосий шарти бўлмоғи лозим.

Миллий дастур кўзда тутган таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, тубдан янгилашга қаратилган асосий тамойиллари ҳақида ва бу дастурни жорий этиш жараёнлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ҳаммамизга маълумки, ҳаётимизнинг барча соҳаларида ислоҳотларни ўтказиш, ўзбек модели деб ном олган ислоҳотлар сиёсатининг асослари бўлмиш беш тамойилнинг бирида ислоҳотларни босқичма-босқич ўтказиш вазифаси қўйилган. Олти йиллик мустақил ҳаётимиз бу муҳим тамойил бизнинг шароитимизда нақадар тўғри эканлигини тасдиқлади.

Шунинг учун таълим-тарбия соҳасида ҳам белгиланаётган ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ қилишда мана шу принцип — ислоҳотларни босқичма-босқич ўтказиш принципи қўйилган.

БИРИНЧИ БОСҚИЧ — ўтиш даври бўлиб, у 1997-2001 йилларда, яъни 4 йил давомида жорий этилади. Бунда кадрлар тайёрлаш тизими салоҳиятини сақлаб қолиш, унинг ривожланиши учун ҳуқуқий-меёрий, илмий-методик, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш лозим. Бу босқичда асосан қуйидаги вазифаларни бажариш керак,

Миллий дастурни амалга оширишнинг бошланиши: янги талабларга жавоб бера оладиган педагог кадрларни тайёрлаш ўқув стандартларини яратиш ва янги ўқув программалари устида ишлаш, умумтаълим мактабларини тузилиш жиҳатидан қайта қуриш, уч йиллик таълим (ўрта махсус ва касб-ҳунар билим юртлари, касб коллежи ва академик лицей) тизимига замин тайёрлаш, узлуксиз таълим-тарбия тизимига асос соладиган тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий ҳимояни кафолатлаш каби масалаларни ечиш босқичи.

ИККИНЧИ БОСҚИЧ 2001-2005 йилларни ўз ичига олади. Бунда миллий дастурни кенг миқёсда тўлиқ амалга оширишга эришиш даркор. Табиийки, тизим фаолиятининг самарадорлигини, меҳнат бозорини инобатга олиб, ижтимоий-иқтисодий шароитлардан келиб чиқиб дастур ғоялари ва қоидаларига керакли ўзгартишлар киритилади.

УЧИНЧИ БОСҚИЧ 2005 ва кейинги йилларга мўлжалланган бўлиб, унда тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш зарур.

Биз шошилмасдан, асосий мақсаддан оғишмай, изчиллик билан миллий дастурни амалга оширишимиз лозим. Шундагина у умумий маданиятни юксалтиришга, фарзандларимизнинг жамиятда ўз муносиб ўрнини топишига хизмат қилади.

Уларнинг касбий ва таълимий дастурларни онгли равишда танлаш ва эгаллашлари учун ҳуқуқий меёрларни, ташкилий, руҳий-педагогик шарт-шароитларни таъминлашга кўмаклашади. Йигит-қизларимизни жамият, давлат, оила олдида ўз масъулиятини чуқур англаб етувчи шахслар этиб тарбиялашга замин бўлиб хизмат қилади.

Умумлаштирган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимининг шаклланиши ва фаолият кўрсатишнинг АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ, менинг назаримда, қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

— барча хил ва турдаги таълим муассасаларида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш;

— давлат таълим стандартларини жорий этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш механизмини ишлаб чиқиш;

— ихтисосликлар, малака даражасига кўра мутахассисларга бўлган умумдавлат ва минтақавий талабларнинг истиқболини аниқлаш;

— таълим тизимини тузилиш ва мазмун жиҳатидан ислоҳ қилиш учун ўқитувчиларни ва мураббийларни қайта тайёрлаш;

— давлат ва ижтимоий муассасаларнинг касбга йўналтириш бўйича фаолиятини такомиллаштириш. Бунда касб танлашнинг бозор эҳтиёжлари ва имкониятларини эътиборга олиш зарур, токи ҳар бир шахс ўзига мос касбни эгаллай олсин.

— ўқувчи ёшларни Ватанга садоқат, юксак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;

— таълим муассасаларини, биринчи навбатда умумтаълим мактабларини давлат томонидан молиявий ва моддий-техникавий тўлиқ таъминлаш меёрларини ошириш ва унинг механизмини такомиллаштириш;

— кадрлар тайёрлаш тизими истеъмолчилари — корхоналар, муассасалар, фирмалар, хиссадорлик жамиятлари, банклар ва бошқа тузилмаларнинг имкониятларидан, биринчи навбатда, ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртлари ва олий ўқув юртларининг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш учун мумкин қадар кенгроқ фойдаланиш;

— кадрлар тайёрлаш ва таълим соҳасига чет эл сармоялари, халқаро донорлик ташкилотлари ва жамғармаларининг маблағларини жалб этиш;

— қонун доирасида ўқув режалари, дастурлари ва ўқитиш йўриқлари, таълимий хизматларини белгилашда таълим муассасаларига, биринчи навбатда, олий ўқув юртларига мустақиллик бериш ва ўзини-ўзи бошқариш усулларини жорий этиш.

Табиийки, бундай мураккаб вазифаларни амалга оширишда давлат ва жамиятнинг масъулияти алоҳида аҳамият касб этади.

Давлат ва жамият кадрлар тайёрлаш тизимини узлуксиз ривожлантириш ва такомиллаштириш кафили бўлиши зарур. Улар юқори малакали, рақобатга қодир мутахассислар тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштириши лозим.

Ҳурматли депутатлар!

Маълумки, халқ таълимининг асосий бўғинини узлуксиз таълим тизими ташкил этади. Шу сабабли бу масалага алоҳида диққат-эътибор қаратиш даркор. Узлуксиз таълимни давлат таълим стандартлари ва тегишли таълим дастурлари билан таъминлашда аввало уларнинг жаҳон талаблари даражасида бўлишига, юксак маънавият заминида қурилганига асосий эътибор бериш керак.

Шунинг учун ҳам умумтаълим дастурларини **мактабгача тарбия, бошланғич, умумий таълим ва мактабдан ташқари таълим** тарзида тузсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бунинг учун қуйидаги тизимни асос қилиб олсак, кўзланган натижаларга эришамиз, деб ўйлайман.

БИРИНЧИ. Мактабгача таълим. Уч ёшдан бошланиб, олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулкчилик кўринишидан қатъи назар, бошқа хил таълим ташкилотларида олиб борилади.

ИККИНЧИ. Бошланғич таълим. 1-4 синфларни ўз ичига олади ва бунда ўқиш олти-етти ёшдан бошланади.

УЧИНЧИ. Умумий таълим. Бунда ўқувчиларга 5-9-синфлар доирасида билим ва тарбия берилади.

Алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак: умумтаълим мактаби барчамиз учун мажбурий бўлиб, уларда болаларимизга умумий билим асосларини чуқур ўргатишимиз керак, том маънода фарзандларимизнинг дунёқарашини шакллантириш ва кенгайтиришимизга асос солишимиз керак.

ТЎРТИНЧИ. Ўрта махсус билим ва касб-ҳунар таълими. Ўқиш муддати 3 йилдан кам бўлмаган академик ва касб-ҳунар лицейлари ва коллежлари.

БЕШИНЧИ. **Олий мутахассислик таълими** одатда ўн саккиз-ўн тўққиз ёшдан бошланиб, тўрт йилдан кам бўлмаган муддатда давом этади.

Олий мутахассислик таълими **бакалаврлик** ҳамда **магистратурага** бўлинади.

БАКАЛАВРЛИК — йўналишлардан бири бўлиб, базавий олий таълим бериш демакдир. Унда ўқиш камида 4 йил давом этиб, у олий маълумот ва таянч мутахассислик дипломини олиш билан тугайди.

МАГИСТРАТУРА — аниқ мутахассислик бўйича олий касбий таълим бўлиб, бакалаврлик негизида камида икки йил давом этади. Ундаги таҳсил якуний квалификацион давлат аттестацияси ва магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш билан ниҳоясига етказилади.

Шу билан бирга, биз ўз эҳтиёжларимиз ва ички шароитларимиздан келиб чиқиб, узлуксиз таълимнинг расмий тизимида якунловчи бир босқични ҳам жорий этишимиз керак. Бу босқич икки даражага бўлинади, яъни аспирантура ва докторантурадан иборат бўлади.

АСПИРАНТУРА — ниҳоясига етказилган магистралик негизида 3 йил давом этади.

Аспирантуранинг мақсади — муайян мутахассисликлар бўйича олий квалификацияли илмий ва илмий-педагогик кадрларни шакллантириш. Аспирантура академик ва квалификацион имтиҳонлари ҳамда номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш билан якунланади. Бу якунларга кўра танланган мутахассислик бўйича «Фан номзоди» илмий даражаси берилади.

ДОКТОРАНТУРА фан номзоди илмий даражаси негизида 3 йил давом этади, диссертация ҳимоя қилиш билан якунланади. Якунга кўра танланган мутахассислик бўйича «Фан доктори» илмий даражаси берилади. Бошқача айтганда, бу соҳада аввалги тартиб сақланиб қолади.

Булардан ташқари, янги тизимда **қўшимча касбий таълим** — қайта тайёрлаш ва малака ошириш масаласига ҳам катта эътибор берилиши керак.

Азиз юртдошлар!

Таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилаётганда бир муҳим масалага катта эътибор бериш лозим.

Болаларимизни неча ёшдан ўқишга қабул қилиш маъқул.

Олимларнинг фикрига кўра, нормал ривожланган болаларни 6 ёшдан мактабга қабул қилиш уларнинг ақлий, руҳий ва жисмоний камолотида, ўқув дастурларини яхши ўзлаштиришида ижобий самара беради.

Айни замонда, болаларни 6 ёшдан ўқишга жалб этишда уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндошиш, биринчи навбатда, уларнинг саломатлиги ва зеҳни, шуури қай даражада шаклланганлиги эътиборга олиниши лозим.

Шу билан бирга мутахассислар ўтказган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, болаларимизнинг 10-30 фоизи юқорида айтилган сабабларга кўра, ҳозирги кунда 6 ёшдан мактабга боришга тайёр эмас. Айниқса, бу ҳол қишлоқ шароитида ўсаётган болаларнинг тахминан 50 фоизига тегишлидир. Жисмоний ва ақлий томондан ҳали тўлиқ шаклланмаган болаларнинг 6 ёшдан мактабга мажбуран қабул қилиниши уларнинг ўқиш давомида ўз ожизлигини сезиши ва қийналишига олиб келиши мумкин.

Агар биз болаларимизнинг ҳар қайсисининг хусусиятларини алоҳида эътиборга олмай, барчасини 6 ёшдан ўқишга жалб этишни мажбурий қонунлаштириб қўйсак, улардан анчагина қисмининг тарбиясига салбий таъсир ўтказишимиз мумкин. Биринчи синфга 6 ёшдан ўқишга борган боладан ёнидаги болага нисбатан жисмонан, руҳан ва ақлан тайёргарлик бўлмаса, бу болада мутелик, қўрқоқлик, ўз кучига ишонмаслик, ношудлик авж олади, бошқалар олдида у ўзини камситилган ҳис қила бошлайди.

Юқоридагиларни назарда тутиб, болаларнинг жисмоний ва ақлий етуклигини эътиборга олган ҳолда, уларни 6-7 ёшдан қабул қилиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман,

Азиз дўстлар!

Бир нарсани олдиндан англаб олишимиз керак. Миллий дастурни амалга оширишдаги энг оғир, энг мураккаб ва энг нозик масала — 3 йиллик таълим муассасаларини ташкил этишда ва бу поғонада болаларимизга билим бериш ва касб-ҳунарга ўргатиш муаммоларидир.

Таълим-тарбия тизимини такомиллаштирар эканмиз, биринчидан, 3 йиллик таълимнинг мазмун-моҳиятини аниқлаштириб олишимиз керак.

Янги — ўзимизга хос миллий тизимга ўтишнинг асосий моҳияти шундан иборатки, таянч умумтаълим босқичини тугатган ўқувчига ўзининг хоҳиш-иродаси ва интилишига қараб икки турдаги уч йиллик ўрта махсус ўқув юртларида таълимни мажбурий-ихтиёрий давом эттиришга имконият яратишдир.

Назарда тутилган БИРИНЧИ ТУРДАГИ билим муассасаларини ЎРТА МАХСУС БИЛИМ ЮРТЛАРИ (академик лицейлар) деб атасак мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки 9 йил давомида мактабларда ўқувчилар умумий таянч маълумоти олсалар, ўрта махсус билим юртларида улар ўзи танлаган таълим йўналиши бўйича билимини ошириш ва муайян олий ўқув юртига кириш учун аниқ мақсадга йўналтирилган фанларни мукаммал ўрганишга қаратилган махсус билим олиш имкониятига эга бўладилар.

ИККИНЧИ ТУРДАГИ 3 йиллик ўқув юртларини эса ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ЎҚУВ ЮРТЛАРИ (коллежлар) деб атасак тўғри бўлади. Чунки, унда талабаларга ўзлари танлаган касб-ҳунар йўналишлари бўйича махсус билим берилади ва касб-ҳунар ўргатилади.

Мазкур ўқув юртлари замонавий жиҳозланганлиги, ўқитувчи-педагогларга савияси, ўқиш жараёнининг ташкил этилиши ва талабаларга камида 2-3 замонавий касб-ҳунар бера олиши билан олдинги ПТУлардан тубдан фарқ қилиши керак.

Шундай қилиб, бу икки турдаги 3 йиллик махсус таълим йўналишларини ёшларимиз ўз иқтидорларидан ва истакларидан келиб чиқиб, ихтиёрий танлайдилар.

Шу тариқа ёшларнинг биронбир шаклда билимларини такомиллаштириш, муайян касб-ҳунар эгаси бўлиб етишишлари учун шароит яратилади.

Ўқувчиларга 12 йиллик умумий ва ўрта махсус таълим бериш давлат томонидан кафолатланади. Бу ёшларнинг билим олишлари ёки ҳунар ўрганишларидан ташқари, уларни бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлайди.

Миллий дастурни амалга оширишнинг **иккинчи мураккаб томони** шундаки, бунда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос, жўғрофий, этник хусусиятларидан ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, болаларнинг ота-оналар бағрида ўқиши, касб-ҳунар эгаллаши таъминланади ва шу билан бирга бу билим юртлари ўша ҳудуднинг маданий-маърифий марказига айланиши лозим.

Ўзингизга маълум, узоқ қишлоқларда ящови ота-оналар фарзандларини ўз бағрида олиб қолишни истайди. Айнан шундай ҳолатларни ҳам инобатга олиб, жойларда 3 йиллик замонавий масхус касб-ҳунар ўқув юртлари ташкил этилиши лозим.

Ушбу масалани пухта ҳал қилиш мақсадида Меҳнат вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва Статистика вазирлиги, Олий ва Халқ Таълими вазирликлари иштироқида вилоятларда, туманларда маҳаллий ҳокимият вакиллари билан биргаликда демографик вазият, мактаблар, ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртларининг жойлашиши, уларнинг моддий-техник базаси, ўқитувчиларнинг салоҳияти, имкониятлари ва бошқа кўрсаткичларини ниҳоятда чуқур ўрганиб чиқишлари керак.

Дастурни татбиқ этишдаги **учинчи мураккаб томони** махсус билим юртларида дарс беришга яроқли ўқитувчиларни тайёрлаш масаласидир. Мавжуд мактаблар, билим юртлари ўқитувчилари бу ишга тайёр эмаслиги равшан.

Шунинг учун барча педагогика институтлари ва университетларда 3 йиллик билим юртлари учун домлаларни тайёрлайдиган махсус факультетларни ташкил этиш лозим.

Шу билан бирга ҳар бир вилоятда 3 йиллик билим юртларида ишлаши мумкин бўлган мактаб ўқитувчиларининг малакасини оширишни ва қайта тайёрлашни йўлга қўювчи алоҳида марказлар очиш зарур бўлади.

Юқоридаги муаммолар ва мураккабликларни ҳал қилиш мақсадида янги ташкил этиладиган 3 йиллик махсус ўқув юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, молиявий ва таъминот манбаларини излаш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада ташқи инвестицияларни кенгроқ жалб этиш, бошқа манбалар: ҳомийлик, маҳаллий бюджет ва бошқа бюджетдан ташқари манбалардан унумли фойдаланиш йўлларини излаш керак.

Дастурнинг **тўртинчи мураккаб томони** ўқув жараёнини ташкил этиш, таълим мазмунини белгилаш, уларни махсус дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари билан таъминлаш масаласидир.

Бу ерда тамомила янгидан ташкил этилаётган 3 йиллик махсус билим юртларининг 1, 2, 3-курсларида нималар ва қандай ихтисосликлар ўқитилади, маҳаллий ва замонавий эҳтиёжлардан келиб чиқиб, талабаларга қандай касб-ҳунарлар берилади, деган қатор масалаларни ҳал қилиш тақозо этилади. Шу асосда оптимал давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш зарурати пайдо бўлади.

Мазкур ишларга мамлакатимизнинг йирик олимларини, тажрибали, юқори малакали амалиётчи ўқитувчилар, хорижий экспертларни кенг жалб этиш лозим.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Мен ўйлайманки, барчангизни қизиқтирадиган масалалардан энг каттаси — миллий дастурни амалга ошириш учун керакли маблағ ва харажатлар ҳажми ва уларнинг манбаларидир. Дастурни қабул қилиш ва жорий этишдан олдин бу саволга жавоб топишимиз керак, албатта.

Молия вазирлигининг ҳисоб-китоблари бўйича кадрлар тайёрлаш миллий дастурини жорий этишда давлат бюджетида қўшимча сарф-харажатларнинг ҳажми ўтиш даврининг ўзида тахминан 65 миллиард сўмни ташкил этади.

Кўриб турибсизки, халқ таълимини тубдан ислоҳ қилиш, мазкур дастурни амалга ошириш биздан ниҳоятда катта куч, маблағ ва имконият талаб қилмоқда. Лекин истиқболимиз, иқболимиз кўзи билан қараганда, ҳам иқтисод, ҳам сиёсат, ҳам маънавият нуқтаи назаридан бу сарф-харажатларга назар ташласак, ундан келадиган манфаат ҳар қандай харажатларни қоплаши ва оқлаши муқаррар.

Ишончим комилки, Ўзбекистоннинг бугунги салоҳияти ва иқтисодий ҳолати, халқимизнинг ақл-заковати ва иродаси бу ўта масъулиятли, шу билан бирга шарафли, оддий тил билан айтганда, эл-юртимизнинг фаровон ва бахтли келажагини ҳал қилувчи вазифани муваффақиятли адо этишга замин ва имкон беради.

Азиз ватандошлар!

Бизнинг аждодларимиз ҳамиша узоқни кўзлаб яшаган. Миллат, Ватан, халқ истиқболи деган муқаддас тушунчалар ҳамма вақт қалбимизнинг тўридан жой олиб, ҳар биримизнинг хаёлимизда, онгимизда чарх уриб туриши даркор.

Чинакам халқ бўлсак, чинакам миллат бўлсак, улкан, қудратли дарёга айланайлик, фарзандларимизга ўзгалар ҳавас қиладиган озод ва обод ватан қолдирайлик.

МУСТАҚИЛЛИК ОДИМЛАРИ

● СЎНГГИ йилларда Ўзбекистон Мағрибдан Оврупо оша жаҳоннинг турли мамлакатлари бўйлаб иқтисодий алоқаларини тобора ривожлантирмоқда. Хорижга маҳсулотлар чиқаришда илғор корхоналарнинг, қўшма ишлаб чиқариш тизилмаларининг ҳиссаси катта бўляпти. Вилоятимизда 122 та қўшма корхона ташкил топди. Изчил фаолият кўрсатаётган «Бурсел», «АНА-Текстиль», «Кабул-Тўйтепа-Текстиль», Жанубий Кореянинг «Кабул-Групп», Бангладеш билан ҳамкорликдаги «Шонали», АҚШ билан биргаликда тузилган «Уздунробита», Олмония билан ҳамкорликда қад кўтарган «Ландтехник Тошкент» қўшма корхоналари замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар. Эндиликда вилоятимиздаги барча қўшма корхоналар томонидан экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажми 18,2 миллион долларга етди.



● МАМЛАКАТ тараққиётида йўллар катта аҳамият касб этади. Тошкент вилоят йўл бошқармаси ва бошқа шу соҳага даҳлдор ташкилотлар сўнгги йилларда замонавий йўллар қурилишига алоҳида эътибор бера бошлади. Жумладан, Тошкент — Ўш йўли қурилиши байналмилал обьектга айланди. Қамчиқ довонидан ўтадиган мазкур йўлнинг бир қисми бизнинг мутахассисларимиз, йўлсозларимиз, муҳандисларимиз томонидан амалга оширилди. Бу йўл ишга тушгач Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларига борадиган масофа янаям яқин бўлиб қолади. Мазкур йилнинг ўзида Тошкент вилоят йўл бошқармаси тизимидаги қорхоналар томонидан кўплаб километр масофадаги янги йўллар очилди, анчагина йўллар таъмирланди.



● МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ йилларида таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар сезиларли самара бермоқда. Олти йил мобайнида вилоятимизда 25 та лицей, 15 та гимназия, 55 та янги мактаб, қатор бошқа билим юртлари бунёд этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг навбатдаги сессияси кун тартибига «Таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳаси, кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ миллий дастурнинг қўйилиши келажакда таълим-тарбия ишларини янги поғонага кўтариш имконини беради.

МУБОРАК!

вич — «Сойлиқ» жамоа хўжалиги раисининг муовини

Абдухалипов Кенжаали Аширбекович — Абай номли жамоа хўжалиги богдорчилик бригадасининг бошлиғи

ЗАНГИОТА ТУМАНИДАН

Нурматов Пирмат — «Наврўз» жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи

Эркабоев Икромжон — Олтинтепа фермер хўжалиги бригада бошлиғи

ҚИБРАЙ ТУМАНИДАН

Хўжаев Қурбон — «Қурбон ота» деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи

Шералиева Бибиой — Қибрай тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси, туман ҳокими ўринбосари

ҚУЙИЧИРЧИҚ ТУМАНИДАН

Холдорова Назибуш Юсуповна — «Гулистон» жамоа хўжалиги аъзоси

Холматов Эргаш — 81-акционерлик автокорхонаси ҳайдовчиси

ОҚҚЎРҒОН ТУМАНИДАН

Остракулов Абдулла Жумаевич — Султон Сегизбоев номли халқ корпорацияси бош ҳосилоти

Шерқўзиев Исмаддин — «Гулистон» жамоа хўжалиги механизатори

ОҲАНГАРОН ТУМАНИДАН

Хусанова Ойдин — туман болалар поликлиникаси бош шифокори

Балашов Соғлом — Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси

ПАРКЕНТ ТУМАНИДАН

Холтоев Толип — туман деҳқончилик-саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси

Тоиров Маҳмуджон — «Паркент тонги» газетаси муҳаррири

ПСКЕНТ ТУМАНИДАН

Ғофуров Абдували — Пскент тумани ҳокимининг биринчи муовини

Пўлатов Аҳмад Пўлатович — 1-ўрта мактаб директори

ТОШКЕНТ ТУМАНИДАН

Боқиев Акбар Бариевич — сабзавот-полиз, картошкачилик илмий-текшириш институти директори

Ғуломов Эркин — Тошкент тумани «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси раиси

ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНИДАН

Тожиев Солижон Тўлаганович — «Ўзбекистон» деҳқон-фермер хўжалиги уюшмаси раиси

Божаков Турсумат Очилович — Акмал Икромов номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи

ЧИНОЗ ТУМАНИДАН

Абдуллаев Абдухалил Қўчқорович — «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги механиги

Қосимов Ҳофиз — Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи

ЮҚОРИЧИРЧИҚ ТУМАНИДАН

Хайитматов Асқар — «Дўстлик» ҳиссадорлик жамияти II-бригада бошлиғи

Иброҳимов Абдужаббор Абдусаматович — «Тинчлик» қишлоқ фуқаролари йиғини раиси

ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИДАН

Тошев Нурилла Ҳабибуллаевич — «Қовунчи» жамоа хўжалиги бош муҳандиси

Тўлаганова Хурипа — 16-ўрта мактаб ўқитувчиси

● СПОРТГА ошуфта халқ ҳамиша соғлом бўлади. Шу боис саломатлик гарови бўлган спорт билан айни кунларда вилоятимизда 500 мингга яқин киши шуғулланмоқда. Ҳозирда шаҳар ва туманларимизда 36 та йирик ўйингоҳ аҳолининг турли қатламларида хизмат қилиб турипти. 500 дан зиёд футбол майдонлари, юзлаб бошқа спорт мажмуалари муҳлисларга манзур бўлмоқда. Бу йилги улуғ айём арафасида ҳам жойларда ўнлаб янги иншоотлар барпо этилди ва фойдаланишга топширилди. Жумладан, Зангиота тумани марказида 2 минг ўринли ўйингоҳ, очиқ ва ёпиқ теннис корти қурилди. Келес марказидаги спорт мажмуида ҳам сўнгги ишлар бажарилмоқда.

1 сентябрь — Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни

ХАЛҚИМИЗНИНГ энг буюк инсоний фазилатларидан бири кексаларга самимий ҳурматда ўз ифодасини топган. Айниқса, бу истиқлол йиллари ичида янада равшанроқ намоён бўлди. Президентимиз, республика ҳукуматининг кам таъминланганлар, ногиронлар, ёлғиз қарияларни моддий қўллаб-қувватлаш, пенсионерлар нафақалари миқдорини бир неча бор ошириш билан боғлиқ фармон ва қарорлари бунинг яққол далилидир. Бу борада республика «Нуроний» жамғармаси Тошкент вилояти бўлими олиб бораётган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Бўлим бошқаруви вилоятимиздаги фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилиш йўлида самарали тадбирларни амалга оширмоқда. Қутлуғ айём арафасида вилоят бўлими жамғарманинг бир қатор шаҳар ва туманлардаги бўлинмаларига ана шундай кексаларга бериш учун 25 минг сўмлик шакар ажратди. Бунда жамғармани АҚШнинг «Ал-фаросат-Технолоджи-Интернэшнл» ҳамда вилоят жамғармаси қошидаги «Вест-Фахри-Нуроний» кичик корхоналари қўллаб-қувватладилар. Бундан ташқари, жамғарманинг вилоят бўлими фахрийларни айём билан қутлаб, уларга 100 минг сўм пул ажратди.

Суратда: республика «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви кенгаши раиси Нуъмон Насимов (чапдан иккинчи) маҳсулотларни шаҳар ва туманлар жамғармалари ижрочи директорларига топширмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

МУБОРАК КУНЛАР ОҒУШИДА

УЛУҒ АЙЁМ кезлари одам ўзгача бир руҳиятга берилади. Юрагингга эш бўлган воқеанинг мазмун-моҳиятини англагинг келади. Беихтиёр ўтмиш, ҳозирги кунлар ва келажак омухта бўлиб, ўзига хос томонларини намоён этади. Улар ўртасида уланган ришталар шуур абётларини уйғотади.

Мозийни варақлайман... Чўлпон ёзади:

Кўнгил, сен бунчалар нега
Кишанлар бирла дўстлашдинг?
На фарёдинг, на додинг бор,
Нечун сен бунча сустлашдинг?

Мозийни варақлайман... «Биз хон билан эмас, халқ билан тўқнашдик. Уни бостириш осон бўлмади. Руслар ҳали Ўрта Осиёда бундай (Қўқондагидек) узоқ ва қаттиқ қаршиликка дуч келмаган эдилар», — деб ёзади Фон Кауфман — генерал-губернатўр.

Мозийни варақлайман... «Дорга осилган одамлар типирчилаб турганида расмларини чизганман. Бир муллаваччани минорадан улоқтириб юбордим», — деб ёзади рус рассоми В. Варешчагин.

Мозийни варақлайман... «Ўрта Осиё — рус тожидаги қимматбаҳо дур», — деб ёзади Россия империяси молия нозири Н. Вишнегородский.

Мозийни варақлайвераман... Унинг битикларидан қон сизади. Менинг шаҳид кетган боболарим, момоларим саф-саф бўлиб, кўз ўнгимдан ўтаверадилар. «Сен ҳурлик ҳақида, истиқлол ҳақида ёзмоқчийдинг, болам... Сен кўзларингга сурган эрк биз учун қанчалар қимматга тушганини ҳам ёз, ҳамма билсин», — дейишади уларнинг покиза руҳлари. «Биз унга ҳамиша ташна, интиқ яшадик, саҳродаги инсон оби-ҳаётга — бир қултум сувга қандай ташна бўлса, ўша каби, жазирама иссиқдаги одам бир парча соя қандай зор бўлса, ўша каби, нафас ололмай қийналаётган кимса бир ютум ҳавога қандай зориққани каби, онанинг ҳасратли аллаларини соғиниб ухлолмай ётган гўдак каби... Ва сирин ўзи билан кўкларга аланга янглиғ олиб кетган қутлуғ битиклар каби интиқ яшадик. Биз Ватандан гина қилмай, ундан талаб қилмай, уни ғийбат қилмай яшадик... Уни борича севиб, борича авайлаб, борича тупроғини кўзга суртиб яшадик. Қўлларимизда кишан бўлса-да, қўнглимиз ҳур бўлди. Кўзларимизни боғлашсада, қўнгил кўзимиз тўла нур бўлди. Жонимизни олдилар, аммо, эркимизни ололмадилар, қонимизни тўкдилар, аммо, ғуруримизни, шонимизни оёқ ости қилолмадилар... Биз ҳурликни, эркни гард юқтирмай сизларга етказдик. Энди уни кўз қорачиғидай асраш муқаддас бурчингиздир», — дейишади улуғ руҳлар...

Ўнг ёнимга қарайман: Афғон тупроғи инграйди. Сўл ёнимга қарайман: Тожик онанинг кўзларидаги қонли ёшни кўраман...

Шамоллардан ўтинаман: оналар кўз ёшини тезроқ қурит, деб... Ҳар субҳидам яратгандан сўрайман, гўдаклар ҳаққи-ҳурмати, шафқат этгил, ўшал заминларга-да, деб... Чунки, эркнинг қуяётган этаклари ҳиди димоғимни қуйдиради, чунки, эрк кўзидаги ёш жонимни ларзага солади...

Ўйнаб юрган, қувнаб юрган, бошини кўксимга эркаланиб қўйган гўдагимга қараб, кўзимдан, кўксимдан мунглар арийди. Аслида бу гўдак озод Ватанимнинг жажжи тимсоли... Қушлар билан тиллашаётган, умидлар уммони билан диллашаётган гўдагим кўзларида юлдузлар чарақлайди. Унинг жажжи товончалари ўзи туғилган тупроғини беҳавотир босади. Дўмбоқ қўлчаларига ярашган бу гўдакни — истиқлолни боболаримизнинг, момоларимизнинг улуғ дуолари асрайди.

Энди сен дунёга қўл бердинг, Ватан! Семуруғлар фалақдан учиб келдилар, ўн саккиз минг олам шарҳини ёзган фаришталар дувва кўчиб келдилар. Хурлик қанотларин чайди нурларга!

Энди сен самога қўл бердинг, Ватан! Бешикда балқиган гўдак манглайига қўнди шамс ила анвар! Энди тонглар отар дунёда, ўзбекнинг исми-ла порлаб, мунаввар...

Энди сен бўстонга қўл бердинг, Ватан! Тўлғаниб-тўлғаниб оққан дарёлар Амир Темур, Бобур Мирзо, Мирзо Улуғбеклар, Чўлпонлар, Фитратлар, Усмон Носирлар нур ила дўстлашган кўнгиллар ила қақроқ юракларда очурлар бўстон. Қадимий маҳобат қудрати ила дунёни ҳайратга солади такрор арслонлар ўлкаси — бу улуғ Турон...

Тилло туёғидан юлдузлар чақнаб, қадим Бойчиборлар қайтди бу юртга! Алпомиш, Барчинлар мангуга қайтди. Қалдирғоч, қумрилар, турфа қушларнинг сайроғида хурлик энг гўзал байтдир...

Кўксимизда унган энг гўзал чечак! Қалбимизда янграган илоҳий калом — Ватан, сен! Хурлик, сен! Кўз гавҳари, сен! Умринг мангу бўлсин! Туғинг фалакда, сен заминни қучган қуёш зарисан!

Истиқлолимизнинг бугунги минбаридан туриб, истиқболга боқаман. Улуғвор ўзгаришлар, нурафшон йўллар, доруломон манзиллар, порлоқ тақдирлар, бахтиёр авлодлар нигоҳим ўнгида намоён бўлади. Биз бугун ўшандай фарахбахш сониялар оғушидамиз.

Бу—бахт. Бу-саодат.
Бу—ғурур. Бу-сурур.
Бу—тинчлигимиз,
қудрат-кучлигимиз.

Бу ҳидоятларнинг волидаи-мукаррамаси муқаддас мустақиллигимиздир. Айни онларда биз ана шу муборак кунларни тантанавор нишонламоқдамиз. Байрамингиз муборак, азиз юртдошлар!..

Шарифа САЛИМОВА,
шоира.

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

КУРАШ ЯНАДА ҚИЗИЙДИГАН БЎЛДИ

• Ўн очко етмай қолса-чи? • Жаъфар Ирисметов ҳужумчилар сардори •

БУ ЙИЛ чемпионлик учун асосий даъвогар бўлган МҲСК жамоаси биринчи даврани яқин рақиби бўлган Фарғонанинг «Нефтчи» футболчиларидан ўн очко фарқ билан якунлаган ва иккинчи давра бошларида ҳам ана шу узилиш сақланаётган эди.

Наманганда «Навбаҳор» билан дуранг қилган МҲСК «Пахтакор»дан 1:2 ҳисобида енгилди. 22-турда эса «Чилонзор» билан 5:5 ҳисобида дуранг ўйнади. Натижада «Нефтчи»нинг олтин медалларга бўлган умиди янада кучайди. Ҳозирда бу икки жамоани олти очко ажратиб турипти. Агарда фарғоналиклар рақибларига қараганда битта ўйин кам ўтказишганлигини инобатга оладиган бўлсак, бу фарқ янада камайиши мумкин.

22-турда МҲСК «Чилонзор» меҳмони бўлди. Биринчи бўлим бошларида майдон эгалари ҳисобни очдилар. Сўнгра 2:0 ҳисобида олдинга ўтиб олишди. Ана шундан кейингина армиячилар пешқадамга хос ўйин кўрсатиб, кетма-кет ҳужум уюштирдилар. Ҳисобни тенглаштиргач, иккинчи бўлимда яна учта тўп киритиб, 5:2 ҳисобида олдинга ўтиб олишди. Армиячилар «ютдик» деб хотиржамликка берилдилар ва бунинг жазосини тортишди. Ўйин 5:5 ҳисобида тугади. МҲСК яна икки очко йўқотди. Ким билади, дейсиз, мана шу икки очко «чемпионлик тарози»си палласига камлик қилиб қолмасайди.

«Дўстлик» — «Атласчи» жамоалари ўртасидаги ўйин вилоятимиз вакилларининг тўла устунлигида ўтди. Жаъфар Ирисметов 4 та тўп киритиб, тўпурарлар рўйхатида армиячи Нуъмон Ҳасановни қувиб ўтиб, 23 та тўп билан сардор бўлиб олди. Н.Ҳасанов ҳисобида 21 та тўп бор. Ж.Ирисметовнинг 16- ва 77-дақиқаларда киритган тўплари жуда чиройли бўлди. «Атласчи» дарвозасига қолган тўпларни Ф.Хабибулин, С.Шарипов ва В.Галяновлар киритдилар. «Дўстлик» дарвозасига киритилган ягона тўп муаллифи Э.Аҳмедов (ўн бир метрдан) бўлди. 7:1 ҳисобида йирик ғалабага эришган «Дўстлик» ҳамон учинчи ўринни эгаллаб турипти. «Навбаҳор» билан «Пахтакор» жамоалари ҳисобида 44 тадан очко бор. Агарда чемпионлик учун МҲСК билан «Нефтчи» асосий рақиб бўлса, бронза медалларига уч жамоа — «Дўстлик», «Навбаҳор» ва «Пахтакор» даъвогарлик қилмоқда. Бунда вилоятимиз вакиллари рақибларидан беш очко олдинда бориш-мокда.

22-турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Янгиер» — «Бухоро» — 1:2, «Навбаҳор» — «Хоразм» — 5:1, «Пахтакор» — «Трактор» — 3:0, «Насаф» — «Косонсой» — 4:0, «Афросиёб» — «Сўғдиёна» — 3:1, «Зарафшон» — «Сурхон» — 4:0, «Андижон» — «Нефтчи» — 0:1.

«ДЎСТЛИК» ЯРИМ ФИНАЛДА

Футбол — футбол-да! Тўп юмалоқ, майдон текис. Мамлакат биринчилиги баҳсларида «Дўстлик» МҲСКдан икки бор, 1:2 ва 2:3 ҳисобларида мағлубиятга учраган бўлса, Кубок ўйинларида икки марта устун келди.

ЎЗ МАЙДОНИДА 3:1 ҳисобида ғолиб келган «Дўстлик» сафардаги ўйинда ҳам рақиблари дарвозасига учта тўп киритиб, ўз дарвозаларини даҳлсиз қолдиришди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Кубоги ярим финалида «Навбаҳор», «Нефтчи», «Пахтакор» ва «Дўстлик» жамоалари учрашадиган бўлишди. Қуръа ташлаш йўли билан «ким кимга қарши» ўйнаши маълум бўлади. 17 ва 18 ноябрь кунлари ярим финал ўйинлари ўтказилади. Кубок соҳиби эса 25 ноябрда аниқланади.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.

ҚУТЛАЙМИЗ!

КУНИ КЕЧА Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига асосан мамлакатимиз мустақиллигининг олти йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ҳамюртларимиз Ўзбекистон Республикаси орден, медаллари билан мукофотландилар ҳамда фахрий унвонларга сазовор бўлдилар. Улар орасида «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетаси бўлим мудири ҳамкасбимиз Саидвали Ҳасановнинг ҳам номи бор. Унга «Шуҳрат» медали берилди. Таҳририят жамоаси кўп йиллардан буён бир сафда ишлаб келаётган дўстимизни юксак мукофот билан чин дилдан муборакбод этади ва унга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат тилайди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ TV ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 1

I

МУСТАҚИЛЛИК АЙЕМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН! МУҲТАРАМ ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР!

6.25 — 02.00 узлуксиз теледастур

Узбекистон телевидениеси 1 сентябрь — Мустақиллик куни Узбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига бағишланган узлуксиз теледастурини намойиш этади. Узлуксиз теледастурдан ўрин олган «Узбекистоннинг янги тарихи», «Қишлоқ ҳақида ўйлар», «Унгоқ кунлар», «Ҳайрат», «Бир ўлка-ки...», «Умидли дунё», «Маърифатнома» каби туркум кўрсатувлар, мустақиллик йилларида нишонланган Мирзо Улуғбек, Сохибқирон Амир Темурнинг таваллуд айемларига бағишланган тантаналардан олинган лавҳалар истиқлол, озодлик ва демократия моҳияти, миллий қадриятларимиз, ватанимиз ўтмиши, бугуни ва келажаги, миллий тараққиётимизнинг ўзига хос йўли, сўнги йилларда иқтисодий-сиёсий, ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларда эришилган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилади.

Узлуксиз теледастур давомида кичиктой томошабинларимиз «Ҳур диёр фарзандимиз», «Хурият ғунчалари», «Озод элнинг ўғлиман», «Ок йўл, болакай!» деб номланган қизиқарли кўрсатувларни кўрадилар. Ҳар кандай байрам кўй ва қўшиқ билан чиройли. Узлуксиз дастурдан ўрин олган «Узбекистон — Ватаним маним!» қўшиқ байрами голибларининг концерти, Узбекистон телевидениеси жамоасининг Фарғона, Наманган, Андижон, Сирдарё Тошкент вилояти дала меҳнаткашлари билан бўлиб ўтган мусиқий учрашувларнинг энг яхши намуналарини ҳамлаган «Бир келиб кетинг қишлоғимизга» кўрсатуви, «Сен менинг жонимда жонсан» эстрада дастури, шунингдек, Узбекистон Республикаси мустақиллигининг олти йиллигига бағишланган тантанадан ёзиб олинган репортаж, ҳуш кайфият бағишловчи «Аския», «Телевизион миниатюралар театри» каби дам олиш кўрсатувлари сизга манзур бўлишига ишонамиз.

Дастуримизни кузатиб борсангиз, яна бир қатор қизиқарли, томошабоп кўрсатувларни кўришингиз мумкин.

Азиз юртдошлар! Байрам дастуримиз дилларингизга яхши кайфият, завқу шавқ бағишлашга умид киламиз. Барчангизни яна бир бор Мустақиллик айеми билан муборакбод этамиз.

II

6.25 дан 02.00 гача ЎзТВ — I узлуксиз теледастури

III

16.05 Дастурнинг очилиши.
16.10 «Семург». Фильм-эртак.

Россия жамоат телевидениеси.
17.20 —20.35

20.35 «Водийлик келин». Бадиий фильм.

Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.20

22.20 «Лазиз». Телефильм.
22.30 Эълонлар.
22.35 «Мусиқа ҳамма учун».
23.05 — 23.35 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Шукрона». Клип.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Диллар дилга туташгай».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Жаҳон».
20.20 «Узбекистон олимпиячилари — Атлантада. Бокс». Видеофильм премьераси.
20.30 «Спорт-тайм».
20.40 Клип-тафбирик. Ҳиндистоннинг Узбекистондаги элчиси табриги.
20.45 «Истиқлол келтирган истиқбол».
21.30 «Шукрона». Клип.
21.35 Эълонлар.
21.40 «Узбекистон — умумий уйимиз».
22.30 «Даҳонинг ёшлиги». Бадиий фильм.
24.00 «Шарқ тароналари».
00.30 — 00.35 «Шукрона». Клип.

СЕШАНБА, 2

I

10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.25 Эълонлар.

*

6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

***

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Пардали гап».
9.15 «1997 йил қушиқлари».
9.45 «Жавлон», «Узбектелефильм» премьераси.
10.05 Инглиз тили.
10.35 «Маърифатнома».
11.10 «Мумтоз наволар».
11.25 «Яна ўша Насриддин». Телевизион мусиқий бадиий фильм. 1-қисм. «Узбектелефильм».
12.20 «Озод элнинг ўғлиман». Болалар учун кўрсатув.
13.00 — 14.00 «Яна ўша Насриддин». Телевизион мусиқий бадиий фильм. 2-қисм: «Узбектелефильм».

*

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Биринчи қўнғироқ».
18.40 «Суйганим сенмасмидинг?». Лирик тароналар.
19.00 «Олам ва одам».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эрталари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Янги сайлоҳда байрам шодиёналари». Сирғали туманидан репортаж.
21.35 «Ранглар жилоси».
21.55 Самарқанд. Регистон майдони. «Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивалининг ёпилиши.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Узбекистон чемпионати «Чилонзор» (Тошкент) — «Нефтчи» (Фарғона). Ёзиб олинган.
00.40 — 00.45 Ватан тимсоллари.

II

18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.

*

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.20 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «Мусиқий шарҳ».
18.50 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
18.55 «Услуб».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Шимпанзе суперагенти». Телесериал.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ҳонадонингизда осойишталик бўлсин».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Киноними».
23.20 Кундалик.
23.25 — 00.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм. 17.15 Янгиликлар.

III

Россия жамоат телевидениеси.
6.30 — 8.00
17.20 — 20.35

*

20.35 Эълонлар.
20.40 «Ганди». Бадиий фильм. (Ҳиндистон — Англия). 1-серия.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.10 — 22.30

22.30 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
23.00 — 23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Қўнғли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Ҳосойишта ҳонадонда».
20.00 «Спортлото».
20.10 «Ҳуқуқ ва бурч».
20.30 «Азизим».
21.00 «Мезон».
21.30 «Автосалтанат».
21.40 «Эллада».
22.05 «Узбекистон олимпиячилари — Атлантада. Спорт гимнастикаси». Видеофильм премьераси.
22.15 Эълонлар.
22.20 «Кинематограф». «Улкан муваффакият». Телесериал.
23.10 — 23.20 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 3

I

10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.25 Эълонлар.

*

6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

***

8.25 «Суйганим сенмасмидинг?» Лирик тароналар.
8.45 Биржа ва банк хабарлари.
9.00 «Олам ва одам».
9.25 «Унвони —Инсон». «Узкинохроника» премьераси.
9.45 «Талаб ва таклиф».
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.35 Болалар учун. «Хайр, жонажон лагерь».
11.05 «Хамроз». Бадиий фильм. 1-серия. (Ҳиндистон).
12.25 «Ҳуқуқий жамият сари».
12.45 — 14.00 «Хамроз». Бадиий фильм. 2-серия (Ҳиндистон).

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Баджахл Бамбр». Мультфильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...»
18.25 Жамоат ташкилотлари: «Маслак ва мақсад».
18.45 «Сиҳат-саломатлик».
19.05 Фольклор-этнографик ансамбларининг «Зилол-97» телефестивали.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Нуқтаи назар».
20.10 Оқшом эрталари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 Бахтиёр Ҳолхўжаев қуйлайди.
21.40 «Саҳна ҳаёти».
22.10 «Ошиқ Ғариб». Бадиий фильм.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Самога йўл», «Ғўзаллик оламида». «Узбектелефильм» премьераси.
00.25 — 00.30 Ватан тимсоллари.

II

18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.

*

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.20 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «Мусиқий шарҳ».
18.50 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
18.55 «Услуб».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Шимпанзе суперагенти». Телесериал.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ҳонадонингизда осойишталик бўлсин».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Киноними».
23.20 Кундалик.
23.25 — 00.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм. 17.15 Янгиликлар.

III

Россия жамоат телевидениеси.
6.30 — 8.00
17.20 — 20.35

20.35 Эълонлар.
20.40 «Ганди». Бадиий фильм. 2-серия.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.10 — 22.30

22.30 «Бухороча эртак». Мусиқий телефильм.
23.05 — 23.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара», Телевизион бадиий фильм.
19.50 «Шалом».
20.20 «02 тўлқинида».
20.35 «Компьютер-ревю».
20.50 «Бугунги Молдова».
21.10 «Америка президентлари».
21.40 «Интерспорт».
21.50 «Каталог».
22.00 Эълонлар.
22.05 «Минг бир маслаҳат».
22.20 «Инспектор Ракка». Телесериал.
23.05 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!»

ЖУМА, 5

I

10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.25 Эълонлар.

*

6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Олтин мерос. «Қуш тилини билган созанда». Узбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдумутал Абдуллаев.
8.55 «Юзма-юз».
9.15 «Эрталар — яхшиликка етаклар».
10.05 Немис тили.
10.35 «Бухоро олтинлари». Бадиий-публицистик кўрсатув.
11.05 «Шайтон малайлари жинлар тегирмонида». Бадиий фильм.
12.30 «Хаёт чашмаси». Публицистик кўрсатув.
13.00 «Сайқал». Тележурнал.
14.05 — 14.30 «Ботма, қуёш»

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Қудуқ». Мультфильм.
18.20 «Ҳазрати Инсон».
18.30 «Битик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.55 «Созимда севги васфи». Эстрада концерти.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Биламиз-у аммо...».
20.10 «Оқшом эрталари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 Юнус Ражабий таваллудининг 100 йиллиги олдидан. Мусиқий хазина. «Рост мақоми».
22.10 Футбол. Узбекистон чемпионати. «Ҳоразм» (Урганч) — «Пахтакор» (Тошкент). Ёзиб олинган.
«Мунаввар дунё». Маърифий дам олиш дастури.
22.55 «Мактуб».
23.05 УзТВ экранида биринчи мартда. «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 3-қисм. (Миср Араб Республикаси).
23.55 «Ахборот».
00.20 — 00.25 Ватан тимсоллари.

II

18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.

*

9.00 «Жажжи давра». Болалар учун концерт.
9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.25 «Бир жуфт қўшиқ».
9.35 «Билиб қўйган яхши».
9.50 «Ҳудуд».
10.05 «Дубляж».
10.20 «Мутойиба».
10.35 «Иймон».
10.55 «Сир».
11.10 — 12.40 «Кино жавонидан».

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.20 «Бор экан-да, йўқ экан...».
18.35 «Камолот».
18.55 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
19.00 «Бизнес ҳафта якунлари».
19.10 «Бокс, бокс, бокс».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Эртага — шанба».
20.15 «Сизлардан ишорат».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ривоят».
21.10 «Ҳуш келибсиз».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар».
21.40 «Киноними».
23.20 «7 дан 70 гача».
23.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.30 — 00.40 «Даракчи».

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
6.30 — 8.00
17.20 — 22.20

*

22.20 «Сувости салтанатида». Манзарали фильм.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.30 — 22.50

22.50 Эълонлар.
22.55 — 23.15 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Қўнғли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
19.50 «Рангинкамон».
20.20 «Ўй остонадан бошланади».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Танишинг: «Трастбанк».
21.05 «Шарқ дарбозаси».
21.25 «Жума куни ишдан сўнг».
21.55 «Маънавият ва Ислом».
22.25 «Инспектор Ракка». Телесериал.
23.10 «Палитра».
23.30 «Йўллар ортидаги йиллар».
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!»

ШАНБА, 6

I

19.25, 20.25, 20.55 Эълонлар.

*

6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Созимда севги васфи». Эстрада концерти.
8.55 «Бухоро», «Хива». «Узкинохроника» премьераси.
9.20 «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 3-қисм.
10.10 «Цирк, цирк, цирк».
«Ешлик» студияси намойиш этади:
10.40 «Табассум кўчалари».
10.55 «Мунис қалблар».
11.15 «Идрок».
11.35 «Халқ иҳодиёти».
12.00 Бугун — Нефть ва газ саноати ходимлари куни. Кўрсатув ва концерт.
12.30 «Холодильникда биров бор». Бадиий фильм.
13.55 «Хаёт сабоқлари». Публицистик кўрсатув.
14.30 — 15.50 Узоир Ғажибеков. «Аршин мол алан». Аброр Ҳидоятов номидаги Узбек Давлат драма театрининг спектакли.

*

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Уч қурбақа», «Уз аризасига биноан». Мультфильмлар.
18.20 «Аудитория».
18.40 «Шеър ва шуур».
18.50 Бокижон Сатторов куйлайди.
19.05 «Авлод».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эрталари.
20.05 Узбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
20.15 Жаҳон спорти.
20.30 «Ахборот».
21.00 Узбекистоннинг янги тарихи.
21.30 Телевизион миниатюралар театри.
22.00 Газета саҳифаларида...
«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури.
22.15 «Мусиқий саёҳат».
22.35 «Икки соҳил — икки тақдир». Бадиий фильм. (АҚШ).

II

18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.

*

9.00 «Бор экан-да, йўқ экан».
9.15 «Камолот».
9.35 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
9.40 «Бизнес ҳафта якунлари».
9.50 «Бокс, бокс, бокс».
10.05 «Сизлардан ишорат».
10.25 «Ривоят».
10.35 «Ҳуш келибсиз».
10.55 «Киноними».
12.35 — 12.55 «7 дан 70 гача».

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.20 Мультконцерт.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.45 «Табиат шифохонаси».
18.55 «Дилором наволар».
19.10 «Бизнес-академия».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Глобус».
20.15 «Қонун ҳимоясида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Зиндаги ёҳуд муҳаббат».
21.25 «Даллас». Телесериал.
22.15 «Дилбарим».
22.30 «Интер-футбол».
22.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.00 Видео-«О».
01.00 — 01.10 «Даракчи».

III

18.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
18.15 Узбекистон телерадикомпанияси камер оркестрининг концерти.

*

Россия жамоат телевидениеси.
18.45 — 23.15

*

23.15 Эълонлар.
23.20 — 23.30 «Тоғлар чорлайди». Манзарали фильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Эълонлар.
9.25 «Шанба эртаги».
10.25 «Юлдузингни бер осмон». Бадиий фильм.
11.45 «Спектаклдан сўнг».
12.10 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
12.55 — 13.15 «Корейс тилини ўрганамиз».

*

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «Шанба оқшомида».
20.00 «Биргаликда кулайлик».
20.45 «Намастэ». Узбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстликка бағишланган ахборот-мусиқий кўрсатув.
21.15 «Рақсалар қанотида».
21.45 «Эсдалик учун дастхат».
22.15 Эълонлар.
22.20 «Самодаги олмослар». Телесериал.
23.05 «Бу ажиб дунё».
23.20 «Хит-коллекция».
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!»

ЯКШАНБА, 7

I

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.

*

6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат киламан».
11.00 «Зийнат».
11.20 «Ором онлари». Наманган вилоят Тўрақўрғон тумани дала меҳнаткашлари ҳузурида.
12.00 «Мусобақалар, секундлар, очколар».
12.15 «Товон тўлов». Бадиий фильм.
13.45 Телевизион миниатюралар театри.
14.15 — 14.30 «Дунё ёшлари».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ҳур диёр фарзандимиз». Болалар учун кўрсатув.
18.20 «Донишнома».
18.40 Мультолам.
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Қишлоқ ҳаёти».
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Якшанба оқшомида». Дам олиш дастури.
21.40 «Футбол майдонларида». «Аср мўъжизаси» кинодастури.
22.00 «Жаҳон киноси юлдузлари».
22.15 «Кино янгиликлари».
22.25 «Дунё». Бадиий фильм. 1 — 2-серия-лар. (Ҳиндистон).

II

18.15, 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.

*

9.00 Мультконцерт.
9.10 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.25 «Табиат шифохонаси».
9.35 «Дилором наволар».
9.50 «Бизнес-академия».
10.05 «Глобус».
10.25 «Қонун ҳимоясида».
10.35 «Зиндаги ёҳуд муҳаббат».
11.00 «Даллас». Телесериал.
11.50 «Дилбарим».
12.05 «Интер-футбол».
12.25 — 14.25 Видео-«О».

*

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.20 Мультипанорама.
18.35 «Нафосат».
18.45 «Турфа олам».
19.10 Келгуси ҳафтада.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Мусиқа салтанати».
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Жараён». Телесериал.
21.15 «Даллас». Телесериал.
22.05 «Миллионлар ўйини».
22.35 «Тақвим, эълонлар, оҳанглар».
22.50 Видео-«О».
00.25 — 00.35 «Даракчи».

III

16.05 Дастурнинг очилиши. Эълонлар. Россия жамоат телевидениеси.
16.10 — 22.40
22.40 Эълонлар.
22.45 — 23.10 «Панорама» (рус тилида)

IV

9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ва франсэ?»
9.55 «Эрталарнинг сеҳрли олами».
11.35 Узбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
11.45 Эълонлар.
11.50 «Кометанинг йили». Бадиий фильм.
13.15 «Ракурс».
13.45 «Жонли сайёра».
14.05 «Шаҳар узра тун». Бадиий фильм.
15.50 «Шу кунинг мавзуси».
16.05 «Нима яхши-ю нима ёмон».
16.35 «Сенинг вақтинг».
16.55 «English for children». Болалар учун иглиз тили.

* * *

17.10